

## ОИЛАДА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Холмунинова Ойгул Жумаевна

Термиз давлат университети

PhD катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада оилада экологик ҳуқуқий тарбия беришнинг педагогик хусусиятларини ёритишга эътибор берилган. Шунингдек, оилада экологик ҳуқуқий тарбия ва унинг бир қатор хусусиятлари очиқ берилган ҳамда бу борадаги ҳолатлар таҳлил қилиниб, муаммони ҳал этишнинг такомиллаштиришга оид бир қатор илмий-амалий таклифлар берилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** экологик ҳуқуқий тарбия, экологик хавфсизлик, экологик тарғибот, экологик ҳуқуқий таълим, оилада экологик таълим, мактабда экологик ҳуқуқий таълим, лицейда экологик ҳуқуқий таълим, экологик қонунчилик, экологик барқарор тараққиёт.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГО-ПРАВОВЫЕ ВОСПИТАНИЕ В СЕМЬИИ

Холмунинова О.Ж.

**Резюме:** В статье рассматривается вопрос педагогические особенности эколого-правовые воспитание в семье. Также указываются некоторые особенности эколого-правового воспитания молодёжи в семье и даются рекомендации и предложений, направленные на совершенствование в этой области.

**Ключевые слова и понятия:** эколого-правовое воспитание, экологическое безопасность, экологическая пропаганда, эколого-правовое образование, экологическое образование в семье, эколого-правовое образование в лицейях, экологическое законодательство, экологически устойчивое развитие.

## PEDAGOGICAL FEATURES OF ENVIRONMENTAL AND LEGAL EDUCATION IN THE FAMILY

Холмuminova O.J.

**Summary:** In the scientific article special attention is paid to the Pedagogical features of environmental and legal education in the family. Some features of the environmental and legal education of pupils are also indicated, and recommendations and suggestions are put forward aimed at improving in this area.

**Key words:** environmental law education, environmental safety, environmental propaganda, environmental law education, family environmental education, environmental legislation, environmental sustainable development.

Ҳозирги кунда замон талаби асосида ёшларга экологик ҳуқуқий таълим-тарбия бериш, янги инновация ва ахборот технологияларни қўллаш келажақда экологик муаммоларни имкон қадар ижобий ҳал этилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, 41-моддасида “...ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” эканлиги, 50-моддасида, “Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” ҳамда, 55-моддасида, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”,<sup>1</sup>-деб кўрсатилганлиги ҳам ёшларга экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия беришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Президентимиз алоҳида уқтириб ўтганидек, “илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўзи бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди.”<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб унда, оиладаги таълим-тарбия муҳити, ота-оналарнинг масъулияти ва ўқитувчилар билан ҳамкорлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.<sup>3</sup>

Юртбошимизнинг “Албатта, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг мазмуни, сифати ва самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бугунги кунда изчил амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”, “Ёшлар-келажагимиз”, “Ҳар бир оила-тадбиркор” каби дастурлар айна шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир”,<sup>4</sup>-деган концептуал ғоялари экологик ҳуқуқий тарбия беришнинг педагогик хусусиятларини такомиллаштиришга асосдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>5</sup>, “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, Ўзбекистон, 2018

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.//Халқ сўзи, 2019 йил, 24 август

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 2019 йил, 8 март

<sup>5</sup>Халқ сўзи, 2016 йил, 30 декабрь

тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 сентябрь қарори<sup>6</sup>, “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>7</sup> 14 август 2018 йилги қарорлари ўқувчиларда экологик ҳуқуқий тарбияни олиб бориш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини замон талаби асосида ўзида ифода этиб бу соҳадаги бир қатор аниқ вазифалар кўрсатиб берилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>8</sup> 25 январь 2018 йилги фармонида ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни янги педагогик шакл ва усуллар асосида ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатиб ўтилди, бу эса ёшлар ўртасида экологик ҳуқуқий тарбия беришни замонавий ривожланишига алоҳида туртки балди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарорида<sup>9</sup> кўрсатилганидек, “экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш” Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифаси сифатида ҳам белгиланди.

Бундан кўришиб турибдики, бу эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари томонидан оилада, мактабларда ва маҳаллаларда ёшларга экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришда янги замонавий тизимли талабларни қўллашни тақоза этади.

Юқоридаги талаблар шуни кўрсатмоқдаким, дастлабки экологик ҳуқуқий тарбияни олиб бориш жараёни оилада вужудга келади. Шунинг учун ҳам оилаларимизда ҳуқуқий ҳамда экологик таълим ва тарбияни чамбарчас олиб

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, 9-сон, 555-модда

<sup>7</sup> Халқ сўзи, 2018 йил 14 август

<sup>8</sup> Халқ сўзи, 2018 йил, 26 январь

<sup>9</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 09/19/29/2475-сон

бориш ёшларимизнинг мавжуд экологик қонунларни билиб олишлари, ҳурмат қилиши ва унга амал қилишларига ундайди.

Халқимизда яхши бир нақл бор “Атроф-муҳит тозалиги уйнинг остонасидан бошланади”. Ҳар бир хонадоннинг саришталиги, ободлиги унинг остонасида, кўча-куй, ҳовли-жойни тоза ва саранжом тутишда билинади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек, ота-оналар болаларга табиат инъом этган ер ва сувни асраб-авайлаш, тупроқ ва ҳавони ифлослантормаслик, ўсимлик-яшиллик оламини сақлаш ҳақидаги ўғитларни доимий равишда сингдиришлари ва уларнинг ҳаёт мезонига айлантиришлари талаб этилади. Болаларимизга, ўлкамиз учун тобора қадрли бўлиб бораётган ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланиш муносабатини шакллантириш айниқса, ўта муҳим масаладир.

Болалар ёшлигида атроф-муҳит ва унда рўй бераётган ҳодисаларни англашга эмоционал-ҳиссий ёндашадилар ва бунинг натижасида уларда, аста-секин ҳодисалар моҳиятини ифодаловчи шахсий қараш, сифат ва мустақил муносабат шаклланиб, уларнинг руҳиятида сақланиб қолади.

Ёшларнинг атроф-муҳитга бўлган ноҳўя муносабатига ота-оналар муносабат билдиришлари ва бунинг салбий оқибатини тушунтириб, табиий муҳит тозалиги, ҳавонинг мусаффолиги аввалом бор бизнинг саломатлигимиз, ҳаётимиз барқарорлигини таъминлашини астойдил ўқтиришлари лозим бўлади.

“Тоза муҳит бу соғлом ҳаёт муҳити” қондасини оиланинг турмуш тарзи ва дунёқараши, кундалик зарурияти, амалий кўникмаси ва ҳаётий эҳтиёжига айлантириш зарурдир. Болада соғлом турмуш тарзининг илк қондаларини шакллантиришда ота-оналар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг тозаллигини сақлаш, сув, ҳаво ва тупроқни ифлослантормаслик, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг қонуний ҳам инсоний бурчимиз эканлигини ҳаётий мисолларига таяниб астойдил ўқтиришлари лозим.

Шу маънода, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия асосан оилада олиб борилишини инобатга оладиган бўлсак, демак ҳар бир оилада ўсиб-улғаяётган ёшларимиз мустақил давлатимизнинг экологик сиёсати ҳамда унинг мазмунини, ҳуқуқий-экологик муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий-иқтисодий томонларини яхши билишлари, чуқур ҳуқуқий-экологик билимларга эга бўлишлари ва жамият фаолиятининг экологик соҳасида фаол қатнашишлари зарур бўлади.

Шу маънода, фикримизча оилада экологик ҳуқуқий таълим-тарбия кўйидаги талабларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир:

1) оилада ёшларимизни табиат гўзалликларидан эстетик завқ олиш севиш руҳида тарбиялаш ва унга оид тушунчаларни шакллантириш;

2) оилада ота-онанинг ғамхўрлиги ва бевосита ҳаракати остида ёшларимизнинг экологик-ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини ошириш;

3) оилада ёшларимизга табиат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий муносабат ҳамда инсоннинг табиатга таъсири масаласига оид тушунчаларни шакллантириш;

4) ёшларимизга инсон табиатнинг онгли бир бўлаги эканлиги ва барча жамият ва табиат қонунларига амал қилиш лозимлигини тушунтириб, унга оид экологик-ҳуқуқий билимларни доимий ўзлаштириб боришлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Экологик-ҳуқуқий тарбия жараёнида ўқувчиларимиз кўпроқ олинган билим ва тушунчалар, экологик ҳуқуқий савия, ҳамда бошқа меъзонлар билан боғлиқ бўлади. Оилада ҳуқуқий экологик тарбия эса қўйидагиларни ўзида ифода этиши мумкин:

1) ёшларимизга барча табиат бойликлари бўлган ер, ер ости бойликлари, сув, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, ўрмон ва ҳаво (атмосфера) дан оқилона фойдаланиш, ҳамда уларни муҳофаза этиш лозимлигини тушунтириш;

2) оилада ёшларимизга экологик ҳуқуқий тафаккур ва экологик онгни ҳосил қилиш, атроф муҳитга нисбатан масъулиятли бўлиш ва табиат бойликларига меҳр-муҳаббат кўрсатиш;

3) ёшларимизга экологик ўзгариш, инкироз ва таҳдидларни олдиндан кўра билиш кераклигини кенгроқ моҳиятан тушунтириш (салбий таъсирларга олиб келишини уқтириш);

4) ота-оналар томонидан ёшлар онгида экологик- ҳуқуқий маънавият ва маданиятни шакллантириш. Табиатга зарар етказмаслик, етказилган зарар ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарликларни мавжудлигини тушунтириш;

5) оилада, ота-оналар томонидан ёшларимизга содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган экологик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ҳамда уларни олдини олиш шарт эканлигини ҳам тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Демак, мазкур масалада ҳали педагог, табиатшунос ва ҳуқуқшунос кадрларимиз олдида бир қатор вазифалар ҳам турганлигини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Ёшларимизга экологик ҳуқуқий таълим-тарбияни олиб бориш ва мустаҳкамлашда қўйидагиларга эътибор бериш ҳам мақсадга мувофиқдир:

-ота–оналар томонидан ёшларимизга кўпроқ экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия мавзуларида тушунтириш ишларини олиб бориш;

-маҳаллаларда яхши экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия олиб бораётган ҳар бир оила тажрибаларини кенгроқ ўрганиш ва ёритиш;

-табиат қўйнида оилавий бўлиб, ёшларимизда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ва атроф табиий муҳит ва экологик қонун талабларига риоя этиш талабларини тушунтириш;

-оилада олиб борилган экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни мактабгача муассасаларда, мактаб ва лицейларда давом эттириш ва ривожлантириш;

- ёшларимиз ўртасида экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни янада кучайтириш мақсадида, “Экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия” махсус курсини ўқитиш ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, “Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш муҳимлиги таъкидланди”<sup>10</sup>.

Фикримизча, “Тарбия” фанини дастурини тузиш ва уни ўқитишда “Экологик-ҳуқуқий тарбия” масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9-январдаги ПФ-5618-сонли Фармони<sup>11</sup> да ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилди.

Мазкур фармон талабига кўра:

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. //Халқ сўзи, 2019 йил, 24 август

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9-январдаги ПФ-5618-сонли Фармони. //Халқ сўзи., 2019 йил 10 январь №5(7235).

**Биринчидан**, экология соҳасидаги кўп учрайдиган масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари ва янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини уйма-уй юриб тарғиб қилиш, шунингдек, экологик-ҳуқуқий маълумотларни етказишга қаратилган флаер, буклет ва бошқа тарқатма материалларни оилаларга бепул тарқатиш;

Ёшлар ва ота-оналар ўртасида экологик қонунларни моҳиятини тушунтириш, мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун фармонда белгиланганидек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкилот-жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши лозим.

Масалан, оилада болаларга экологик-ҳуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича ота-оналар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш учун-йўл харитасида белгиланган тегишли вазирликлар алоҳида муаллифлардан иборат ишчи гуруҳни шакллантириб, мазкур қўлланмаларни яратиш, чоп эттириш масалаларини ҳал этиши мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчидан**, Оила илмий амалий Маркази, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида, турли давлат ва чет эл грантларини ютиб олиш орқали ушбу масалаларни ечиш учун мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, лойиҳа доирасида оила аъзоларнинг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ёрдам берадиган турли мавзуларда услубий қўлланмалар, буклетлар, флаерлар ва плакатлар ишлаб чиқилса ва бепул тарқатилса, албатта ўз натижасини беради.

**Учинчидан**, ҳар бир оилага кириб бориш учун аввало маҳаллага мурожаат қиламиз. Лекин таълим муассасасида таълим олаётган ўқувчилар, оила аъзолари меҳнат қилаётган жамоа орқали ҳам оилага кириб борилса янада кўпроқ натижа бериши муқаррар. Иш тажрибамиздан келиб шуни айтишимиз мумкинки, биргина таълим муассасасида ота-оналар йиғилишида ота- оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида, экология соҳасидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши тўғрисида тарғиботларни олиб бориш орқали, уларнинг ҳуқуқий экологик маданиятини ошириш имконини беради.

**Тўртинчидан**, Маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини ташкил этиш, бунда аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари ва бошқалар томонидан аҳолига экологик ҳуқуқий тушунтиришлар берилишини таъминлаб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Демак, шу маънода оилада экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб борилиши ўқувчиларни табиатга, атроф табиий муҳит ва унинг бойликларини севишга, муҳофазалаш ҳамда бундан оқилона фойдаланишдаги дастлабки экологик ҳуқуқий онгини, таффақурини ҳамда тушунчаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Масалан: АҚШда миллий ғоя вазифасини “америка орзуси” (american dream) бажармоқда. У америка давлатининг олий қадриятлари йиғиндиси, миллатнинг маънавий онаси деб тушунилади. “Америка орзуси”нинг асосий тушунчаларини шахс эркинлиги, эркин тadbиркорлик, демократия, муваффақиятга эришишга қаратилган меҳнат ташкил қилади.

АҚШда фуқароларга замон талабларига мос фазилатларни қарор топтиришда фуқаро экологик тарбиясида шахс бу соҳада нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўзининг экологик ҳуқуқий онги, таффақури ва истеъдоди билангина етишадигани “америка орзуси”га ишонч каби фазилатлар етакчилик қилганини кўрамай.

Японияда фуқарони экологик ҳуқуқий тарбиялаш-“ахлоқий тарбия” тизими “характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”, “давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият”, “фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш”, “ватанпарварлик” тизими вазифасини ўтайди.

Шуниси эътиборлики, идеал японнинг фазилатлари” деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 фазилат 4 та гуруҳга бўлиб тарбияланади. Булар: 1) шахсий сифатлар: эркинлик, ўзига хосликни ривожлантириш, мустақил бўлиш, ўз хоҳишларини идора қила олиш, пиетет туйғусига эгаллик; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳаббат, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлигига ҳисса қўшиш, ижодкорлик, миллий (ижтимоий) қадриятларни ҳурмат қилиш; 4) фуқаролик сифатлари: Ватанга содиқ бўлиш, давлат рамзларини қадрлаш, ижтимоий фаоллик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлишни ўргатади.

Хитойда Конфуцийлик ахлоқининг беш асосий устуни этиб яхшилик, тўғрилиқ, поклик, донолик ва ишонччилик каби фазилатлар белгилаб олинади ва амал қилинади. Ёшларнинг экологик тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” ғояси асосида ташкил этилди. Ёшлар шахсий ва миллий манфаатларни уйғун тутишга ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ўргатиб борилади.

Шунингдек, Жанубий Кореяда миллий ғоя асосида ёшлар экологик онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириб борилади. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, мактабгача таълимга жумладан, ёшлар билан табиат



ўртасидаги мутаносибликни сақлашга алоҳида эътибор қаратилишини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилар ва хорижий тажрибадан кўриниб турибдики, ҳақиқатан ҳам, оилада экологик маданиятни, атроф муҳитга жиддий муносабатда бўлишликни қатъий белгилаб берадиган нормаларнинг амалиётга киритилиши келажакда оилада кўзланган мақсадга эришишни таъминлаши мумкин.

Эътибор беринга, Германияда ахлоқсиз фуқаролар “чиқинди изқуварлари” томонидан ушланади. Кўчага ўрнатилган видеокамера орқали махсус қутига ташланмаган ахлат учун аҳолининг ана шундай қатламига 100 еврогача жарима солинади. Швецияда ерга ташланган қоғоз унинг эгасига 90 евро, Сингапурда эса 300 дан 1000 долларгача жарима тўлашга сабаб бўлади.

Фикримизча, юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаким, оилада ўқувчи-ёшларга доимий равишда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни самарали олиб бориш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

**Биринчидан**-экологик ҳуқуқий таълим тарбияни узлуксизлигига, чамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига ҳамда, оилада олинган экологик ҳуқуқий билимларни тизимли самарадорлигига эришиш;

**иккинчидан**-экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш жараёнида мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш;

**учинчидан**-қабул қилинган экологик қонун талабларини ҳамда уларга оид тушунчалар моҳиятини оилада ёшларга батафсил кенгроқ тушунтириш;

**тўртинчидан**-ривожланган бир қатор мамлакатлар АҚШ, Япония, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Сингапур ва Швеция мамлакатларининг экологик таълим-тарбия тизими тажрибасини тушунтириш ва амалиётда ундан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ёшларимизга оилада экологик ҳуқуқий тарбия бериш жараёнида мазкур масалага алоҳида эътибор беришликни тушунтириш келажакда амалий фаолиятни ижобий такомиллашувига ёрдам беради.

Зеро, мазкур концептуал ғоялар ўқувчи-ёшларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб бориш, унда мактаб, оила ва маҳаллаларни кенг иштирокини таъминлашда уни узлуксизлигини тизимли асосда хорижий тажрибаларидан кенг фойдаланиб замон талаби асосида олиб боришликни тақозо этади.

Умуман олганда, табиатга яқинлик, она заминга муҳаббат, жонажон ўлканинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш ёшларимизни маънавий-руҳий жиҳатдан бойитиб нафис дидини шакллантирди ҳамда муқаддас замин ўз она-юртининг фаровонлиги ва табиатининг мусаффолиги тўғрисида қайғуришни ўзларининг бурч ва масъулиятли эканликларини юраклари билан ҳис этадилар.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, уни бойликларини авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишни даврни ўзи талаб этиб, ёшларимизни табиатга янада эътиборлироқ ва масъулиятлироқ бўлишга ундайди.

Шунингдек, ўқув юртлари, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуксиз экологик таълим-тарбияси борасида самарали тизимни яратиш бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган туркум кўрсатув, эшиттиришлар, ижтимоий-экологик роликларни мунтазам эфирга узатиб бориш, вақтли матбуот нашрларида мақолалар чоп этиш орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳам ўқувчи-ёшларнинг экологик маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, ҳозирги экологик муаммолар кескинлашиб бораётган глобаллашув шароитида уларни ҳал қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат бойликларини келажак авлодга бус бутун қолдириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устувор вазифа бўлиб, ҳар бир ёшни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ундайди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, Ўзбекистон, 2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. // Халқ сўзи, 2019 йил, 24 август
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 2019 йил, 8 март
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 2016 йил 30 декабрь
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9

сентябрь қарори.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, 9-сон, 555-модда

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14 август 2018 йилги қарори.//Халқ сўзи,2018 йил 14 август

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Умумий ўрта,ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25 январь 2018 йилги фармони.//Халқ сўзи, 2018 йил, 26 январь

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 09/19/29/2475-сон

10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи.Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.//Халқ сўзи,2019 йил 24 август

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9-январдаги ПФ-5618-сонли Фармони.//Халқ сўзи., 2019 йил 10 январь №5(7235).